2006 ЙИЛ, 22 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 230 (10.787)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида «Ўзбек халқи жасоратини абадий ёдда сақлайлик» мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди. Мазкур кеча республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Хотира хиёбони» жамоатчилик жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Буюк Ипак йўли: кеча, бугун ва эртага» номли фестиваль бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Сўғдиёна» камер оркестри бадиий жамоаси ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль бу турдаги кўргазмаларнинг дастлабкиси ҳисобланади. Ўзига хос услубда карвон йўллари тасвири билан безатилган саҳнада ҳар бир давлатнинг миллий куй-қўшиқлари, рақслари намойиш этилди.

● Элликқалъа туманидаги Бўстон шаҳрида Отажон Худойшукуров номли Санъат коллежи учун янги бино қуриб битказилди. «Бўстондеҳқонқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг махсус бригадаси қурувчилари бу ерда салкам 1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Янги бинода иккитадан компьютер ва лингафон хоналари, кутубхона, 80 ўринли ошхона замонавий тарзда жиҳозланди.

● «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг саъй-ҳаракати билан Когон-Тошкент газ трассасининг Куйимозор участкасида Вобкент туманига умумий узунлиги 16 километр бўлган катта диаметрли газ қувури тортилди. У нафақат ҳудуддаги барча аҳоли хонадони, балки кўплаб ишлаб чиқариш, маиший хизмат, ижтимоий соҳа объектларининг ва қўшни Ғиждувон туманидаги чегарадош қишлоқлар эҳтиёжини ҳам таъминлайди.

● «Тез тиббий ёрдам» хизмати автомобиль парки жорий йилнинг охирига қадар янги махсус машиналар ҳисобига бирмунча бойийди. Гап шундаки, мамлакатимиз тиббиётчилари ихтиёрига Асакадаги автозаводда ишлаб чиқарилаётган «Дамас» микроавтобуслари берилади. Айтиш керакки, жорий йилда бюджет ва кредит маблағлари ҳисобига мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги 260 дан ортиқ «Дамас» автоуловларини олди.

● Навоий номидаги Давлат академик Катта театри саҳнасида илк бор Латвиянинг вокал санъати намуналари ижро этилди. Бу ерда Латвия Мустақиллиги кунига бағишланган концертда Латвия миллий операсининг якка хони Антра Бигач ўз концерт дастурини намойиш этди.

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мазкур университет Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида Бутунжаҳон Фалсафа кунига бағишланган «Мустақиллик — Ўзбекистон буюк келажагининг пойдевори» мавзуида конференция ва тантанали йиғилиш ўтказилди.

● Нукусдаги Республика педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мактаб дарсликларининг ярмаркаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Афғонистонга ташриф буюриб Кобулда мамлакат Президенти Ҳамид Карзай билан бирга матбуот анжумани ўтказди. Унда Карзай мамлакатда тинчлик ўрнатилмагунича халқаро кучлар Афғонистонни тарк этмаслигини билдирди.

● Эрон-Ироқ можаросидан сўнг 25 йил давомида узилиб қолган Ироқ ва Сурия ўртасидаги ўзаро дипломатик алоқалар яна тикланадиган бўлди. Ироқ пойтахти Бағдодда Ироқ ва Сурия давлатлари ўртасида шу хусусдаги битим имзоланди.

● Бугун Голландияда парламентга муддатидан олдин сайловлар бўлиб ўтади.

● Мексика президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда мағлубиятга учраган Андреас Обрадор ўз ҳукуматини ташкил қилиш ниятида. У мамлакат пойтахти Мехикодаги майдонда ўн минглаб тарафдорлари олдида норасмий равишда қасамёд маросимини ўтказди.

● Лондонда Россиянинг собиқ федерал хавфсизлик хизмати ходими, бугунги кунда Буюк Британия фуқароси Александр Литвиенко кеча номаълум кишилар томонидан радиактив талий моддаси орқали заҳарланган. Ҳозир Скотланд-Ярд ушбу жиноий иш юзасидан қидирув юмушларини олиб бормоқда.

● Кеча Испаниянинг Мадрид шаҳрида жойлашган Сервантес институтида бундан етмиш йил муқаддам мамлакатдаги фуқаролар уруши пайтида бу ерда фаолият кўрсатган фотомухбирлар асарларининг кўргазмаси очилди.

● Англиядаги Дарен университети мутахассислари Кипрда янги ҳайвонот турини топдилар. Кипр сичқони илгари фанга маълум бўлган сичқонлардан боши, қулоғи ва кўзлари йирикроқ эканлиги билан алоҳида ажралиб турадиган мутлақо янги турдаги сут эмизувчидир.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 23 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ва кундузи 3-5, кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Баҳор» маҳалласида Тошкент шаҳар Скрининг маркази ҳамкорлигида «Скрининг марказининг мақсад ва вазифаси. Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуида маҳалла аёллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида тилшунос олимлар иштирокида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани «Тилшуносликнинг долзарб масалалари» деб номланди.

● « **ЖУРЖОНИЙ»** спорт мажмуасида Учтепа туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан иш билан банд бўлмаган уй бекалари ўртасида спортнинг югуриш, волейбол, баскетбол, стол тенниси турлари бўйича ўтказилган спартакиада мусобақалари Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Роҳат» маҳалласида «Зарарли одатлар ва ёшлар: ОИТСнинг олдини олиш» мавзуида туман ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Бектемир туман таянч маскани ҳамкорликларида ўтказилган тадбирда маҳалланинг фаол ёшлари иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мажмуасида «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуида СПИДга қарши кураш куни муносабати билан волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш бўйича Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган мусобақаларда тумандаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этишди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

«Sper Tex» хорижий корхонасида замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган ип, ип-калава ва трикотаж маҳсулотлари жаҳон андозалари талабларига жавоб беради.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг кўриниши; йигирув цехи оператори Таманно Ахорова сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатмоқда.

Наталья Семёнова олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

21 НОЯБРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг вазифалари ҳақидаги масалани кўриб чиқишдан бошлади.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ролини кучайтиришга қаратилган ташаббусларига мамлакатнинг давлат-сиёсий тизимини янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида юксак баҳо берди. Мажлис иштирокчилари мазкур Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишини, шунингдек, ҳукумат тузилмаларининг марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратишини кўрсатиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, энг асосийси, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётига ва мамлакатни янгилаш жараёнларига таъсирини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳаларининг жамиятда кенг муҳокама қилиниши аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайишига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ошишига ёрдам беради. Ана шуларга асосланиб, Кенгаш ушбу қонун лойиҳаларининг моҳиятини аҳолига тушунтириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари ва аъзолари учун бир қатор вазифаларни белгилади. Кенгаш муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисини шу йил 30 ноябрда Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни, жумладан: «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги, янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

«ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРГА СОДИҚЛИКНИНГ ЯККОЛ ТАСДИҒИ», «ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА КОНСТРУКТИВ ВА ИЖОБИЙ ЁНДАШУВ», «КЎПЛАБ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ» — ДУНЁ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, ТАҲЛИЛЧИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ТАРТИБИДА КИРИТИЛГАН ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ АНА ШУНДАЙ ШАРҲЛАМОҚДАЛАР.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти парламентга сиёсий партиялар аҳамиятини юксалтириш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини киритди» — Хитойнинг **«Жэньмин Жибао он лайн»** газетаси ана шундай сарлавҳа остида Президент Ислом Каримовнинг янги ташаббусларига бағишланган мақола эълон қилди.

Унда, жумладан, Ўзбекистон етакчиси томонидан таклиф қилинган қонунлар лойиҳалари мамлакатда рўй бераётган барча ўзгаришларда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилгани таъкидланади.

«Конституцияга киритилаётган тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг ҳамда жойлардаги давлат идораларининг зиммасига Конституция билан юклатилган вазифаларни бажаришдаги аҳамияти ва масъулиятини юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизациялашда сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтиришга қаратилгандир», — деб ёзади нашр.

Қозоғистоннинг «Казинформ» ахборот агентлиги шундай ёзади: «Президент Ислом Каримов парламентга сиёсий партиялар ташаббускорлиги ва масъулиятини юксалтиришга йўналтирилган ҳамда вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантиришга қаратилган қонунлар лойиҳаларини киритди. Қайд этилганидек, ташаббускор гуруҳлар томонидан сайланган, янги сайланган ҳукумат йўлини, унинг дастури ёхуд дастурнинг муайян йўналишларини мақбул кўрмаган сиёсий партиялар фракциялари ҳамда мустақил депутатлар ўзларини мухолифат, деб эълон қилишлари мумкин».

Самарали сиёсат жамғармаси эксперти, Kremi.org сиёсий экспертлик тармоғи (Москва) раҳбари Наталья Давлетшинанинг айтишича, жамиятни демократлаштиришнинг энг самарали формуласи фуқаролик жамиятини институциялаштиришдир. «Партия қурилиши бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга, негаки, айнан сиёсий партиялар — фуқаролар ижтимоий фаоллигининг жиддий воситаси ва таянчидир», — деб таъкидлади россиялик эксперт.

Бельгия Ташқи ишлар вазирлигининг қурол тарқатилмаслиги ва қуролсизланиш бўлими бошлиғи М.Питерманс Президент И.А.Каримов томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳалари Ўзбекистоннинг демократик жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошираётганидан далолат эканлигини қайд этди.

АҚШ Миллий матбуот клуби вице-президенти П.Хикманнинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Президентининг қонунчилик ташаббуси мамлакатда давлат бош ислоҳотчи эканидан далолат беради.

— Бу сиёсий тизимни либераллаштириш ва модернизациялашдаги ижобий қадамдир, — деди П.Хикман. — Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партиялар ўрнининг юксалиши мамлакатдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

АҚШ Конгресси Тадқиқот хизматининг етакчи таҳлилчиси Ж.Никол янги қонунлар мухолифатдаги партияларга қонунчилик жараёнида янада фаолроқ иштирок этиш ва ижро этувчи ҳокимиятга кучлироқ таъсир ўтказиш имконини беришига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЙОД ЕТИШМАСЛИК МУАММОСИ ВА УНИНГ ЕЧИМИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ҚУЙИ ПАЛАТАНИНГ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ФРАКЦИЯЛАР, АЛОҚАДОР ВАЗИРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ, ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ҚАТНАШДИЛАР.

Мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарган йиғилишда юртимизда йод етишмаслиги муаммосини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш муаммоларига оид қарори ҳамда давлат дастурида бу муҳим масалани қонун йўли билан тартибга солиш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Йиғилишда Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Иккинчи ўқишда тақдим этилаётган ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган тузнинг йодланиши мажбурийлигини қонунийлаштириш лозимлиги таъкидланди. Тегишли давлат органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, тамғалаш, сақлаш, сотишга доир қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган моддаларни киритиш юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ялпи мажлисда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунларни кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Булар «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Уставига (Женева 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил), Ваколатли конференцияси (Марокаш 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Конвенциясига (Женева 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Шулар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалаларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколати доирасидаги бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг саккизинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

* * *

Кенгаш мажлисида Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2005 йилдаги ва 2006 йилнинг ўн ойи мобайнидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Ушбу масала бўйича Қўмита раиси Т.Комилов ахборот берди.

Кенгаш ҳисобот даврида Қўмита парламентнинг юқори палатаси муҳокамасига киритиладиган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат қарорларининг ижросини назорат қилиш соҳасида, шунингдек, сенаторларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси, мамлакат мудофаасини ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоқадор бўлган вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлигини яхшилаш борасида муайян ишларни амалга оширганлигини кўрсатиб ўтди.

Назорат вазифаларини амалга ошириш доирасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш масалалари тайёрланди ва кўриб чиқилди. Булар орасида «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳузуридаги Давлат чегарасини кўриқлаш қўмитаси томонидан Фарғона вилоятида ижро этилиши, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув муассасалари тизимида резервни ва заҳирадаги офицерларни тайёрлаш соҳасида ижро этилиши ва бошқа масалалар бор. Ушбу масалалар Қўмитанинг кенгайтирилган мажлисларида кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳисобот даврида Қўмита 13 та турли семинар, конференция ва даврa суҳбатлари ўтказди. Уларни тайёрлаш ва ўтказишга Қонунчилик палатасининг ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, олимлар, мутахассислар, амалиётчилар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кенг жалб этилиб, улар иштирокида муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга Кенгаш ҳисобот даврида Қўмита мудофаа ва хавфсизлик масалалари билан боғлиқ қонунларнинг талаблари қонуности ҳужжатларида акс эттирилишини ўрганиш, маҳаллий аҳоли орасида профилактика ишларини яхшилаш ҳамда чегарага яқин ҳудудлардаги чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари аъзоларининг давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва қўриқлаш бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқаролар йиғинлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга етарли эътибор бермаганлигини кўрсатиб ўтди.

Муҳокама жараёнида Кенгаш аъзолари Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг фаолиятини яхшилаш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларни билдирдилар.

Кенгаш мажлисида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари бўлмиш сенаторлар билан сайловчилар ўртасидаги алоқани кучайтириш бўйича Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тайёрланган Тавсиялар кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Муҳокама чоғида мазкур ҳужжат сенаторларнинг фуқаролар, сиёсий партиялар аъзолари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан учрашувларини ўтказиш, сенаторларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, шунингдек, сенаторлар билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг ҳамкорлигини таъминлаш тартибини белгилаб бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат Кенгаши тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда сенаторлар, вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

РЕЗОЛЮЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ШУ ЙИЛ 16 НОЯБРЬ КУНИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ III ҚЎМИТАСИ ДУНЁНИНГ 15 МАМЛАКАТИ, ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ЎЗАРО ҲУРМАТГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ»ГА ОИД РЕЗОЛЮЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мазкур ҳужжат ҳаммуаллифлари рўйхатидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган Россия ва Хитой ҳам ўрин олган.

Ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига адолатли ва бирдек ёндашув лозимлиги қайд этилади. Бунда миллий ва минтақавий ўзига хосликлар, тарихий, маданий ва диний тараққиётдаги тафовутларнинг муҳимлиги ҳисобга олиниши зарур эканлиги таъкидланган. Ҳужжат муаллифлари инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасидаги фаолиятда танлаб ажратмаслик, холисоналик ва беғаразлик тамойилларига амал қилиш ҳамда ундан сиёсий мақсадларда фойдаланмаслик зарур эканлигини тасдиқлашган.

Резолюция лойиҳасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳвол тўғрисидаги сиёсий асосланган ва алоҳида олинган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари борасида ҳолат тўғрисидаги нохолис резолюцияларга, инсон ҳуқуқларидан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳамда бу йўналишда БМТ ишида икки ёқлама андозаларни қўллашга йўл қўймаслик зарурлигига эътибор қаратилган.

«Жаҳон» АА.
Нью-Йорк

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бельгиянинг «Чемитекс» компанияси президенти Аднан Кандийоти ҳам демократик жараённи ривожлантиришга қаратилган мазкур чора-тадбирларни ижобий баҳолади.

— Бу ўз вақтида ва чуқур ўйлаб ташланган қадамлардир, — деб таъкидлади бельгиялик ишбилармон. — Президентнинг янги ташаббуслари Ўзбекистондаги тадбиркорлик муҳитига ҳам ижобий таъсир ўтказиб, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш жараёнини фаоллаштиришга хизмат қилишига ишончим комил.

— Президент Ислом Каримов томонидан киритилган Конституциявий қонун лойиҳаси Ўзбекистон раҳбариятининг демократлаштириш, мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида ташлаган аниқ-равшан қадамидир, — дейди **Польшадаги Лодзь университетининг профессори Альбин Гловацкий.** — Ўзбекистоннинг сиёсий фракциялари сафида ўз ҳуқуқлари парламентда кўпчиликни ташкил этувчилар томонидан камситилмайдиган мухолифатнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон давлат ва жамиятни демократлаштириш йўлида жадаллик билан олдинга ҳаракатланаётганини тасдиқлайди. Бу сингари қонун лойиҳаси демократик давлатларда кенг равишда тан олинган амалиёт ҳисобланади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши бутун сиёсат ва давлат тизимига, шунингдек, Ўзбекистоннинг демократик янгиланишига чуқур таъсир ўтказади.

Австриянинг «Райффайзен Центральбанк» банки директорлар кенгаши раисининг ўринбосари Г.Степич ушбу мавзу юзасидан қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ўзбекистон етакчиси томонидан таклиф қилинган қонунлар лойиҳаларини «тўғри йўналишда тўғри ташланган қадам» деб баҳолаш керак. бу Ўзбекистондаги иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари сиёсий ислоҳотлар билан мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Президент И.А.Каримов томонидан таклиф этилган қонунлар лойиҳалари юзасидан **Туркиянинг ТУСАМ Стратегик тадқиқотлар маркази** билдирган қуйидаги шарҳ ҳам эътиборга моликдир. «Ўзбекистон раҳбари сиёсий партиялар фракцияларининг аҳамияти юксалишини белгилаб ҳамда таъминлаб берадиган самарали ҳуқуқий механизмларини шакллантириш масаласини ўз вақтида қўймоқда».

Шу ўринда мазкур марказ дунёнинг кўпчилик мутахассис ҳамда оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг демократик тамойилларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарали кечаётганлигига ҳам эътибор қаратди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим Дэ Токнинг фикрича, айни пайтда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Шу маънода, Ўзбекистонда амалга оширилган парламент ислоҳоти чоғида қонун чиқарувчи олий органнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда таъсири сезиларли даражада кучайиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мутаносибликка эришишга муваффақ бўлинган эди. Киритилган қонунлар лойиҳалари ривожланган фуқаролик жамияти институтларига эга бўлган том маънодаги демократик давлатни барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракатларнинг якқол тасдиғидир.

Франциядаги UMP ҳукмрон партияси (Халқ ҳаракати учун иттифоқ) дипломатия маслаҳатчиси, Франциянинг собиқ вазири О.Стирннинг фикрича, сиёсий партиялар роли ва мақоминиг кучайиши ҳамда уларнинг юксалиши доимо демократия ривожи ва мамлакатнинг конституцион асослари такомиллашишида янги қадам бўлади. Кучли Президент ва кучли ҳукуматга эга бўлган Ўзбекистонда жамиятнинг сиёсий тизими кучайиши жараёни бормоқда.

Франция Адлия вазирлиги Халқаро ҳамкорлик департаментининг директори К.Кускиернинг сўзларига қараганда, мамлакат Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаларида акс этган сиёсий партиялар ролини такомиллаштириш деганда Ўзбекистонда сиёсий жараёнларнинг кучайиб бораётганини тушунмоқ лозим.

— Республикада икки палатали парламент сайланганидан сўнг мамлакатдаги сиёсий жараён янада ошкор кўриниш касб этмоқда, — дейди франциялик мутахассис. — Ўзбекистондаги сиёсий ҳаётнинг фаоллашувига фақатгина сиёсий партиялар ролини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Президент ҳам айнан мана шуни таклиф этмоқда.

Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА "САНОАТНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ УЧУН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТИЗИМЛАР" – "WCIS-2006" ТЎРТИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ БОШЛАНДИ. МАЗКУР ТАДБИР 2000 ЙИЛДАН БУЁН ҲАР ИККИ ЙИЛДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИ.

Анжуман очилишида Тошкент Давлат техника университети ректори Ш.Шообидов WCIS конференциялари саноатни автоматлаштириш борасидаги интеллектуал тизимларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келаётганини таъкидлади.

Халқаро анжуман саноатнинг турли тармоқларини автоматлаштириш ва бошқариш соҳасида изланиш олиб бораётган олим ва мутахассисларга истиқболли интеллектуал технологиялар борасидаги янги назарий ютуқлар ҳамда амалий татқиқотни муҳокама қилиш имкониятини беради.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Германиянинг Зиген университети, АҚШнинг Жоржия давлат университети каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Икки кун давом этадиган халқаро илмий анжуманнинг очилишида мамлакатимизда барча соҳалар сингари илм-фан ривожига ҳам алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Конференция давомида интеграциялашган компьютерли ишлаб чиқариш ҳамда автоматлаштирилган лойиҳалаштиришнинг интеллектуал тизимлари, интеллектуал ахборот, кўп агентли тармоқланган интеллектуал тизимлар, интеллектуал бошқарув, ақлли роботлар, нейрокомпьютинг, тадрижий ҳисоблаш, интеллектуал иқтисодий режалаштириш ва электрон тижорат каби йўналишларда қўлга киритилган сўнгги ютуқларни энергетика, нефть-газ, машинасозлик, кимё, қурилиш ҳамда саноатнинг бошқа соҳаларида қўллашга доир мавзулар юзасидан маърузалар тингланади.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири

Ҳамкорлик

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЕНГАЙМОҚДА

ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ҲАР ТОМОНЛАМА ИМКОНИЯТЛАР ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ БОЙИТИБ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИГА АСОС БЎЛАЁТИР.

Фармацевтика соҳасида яхши танилган Туркиянинг «Нобел Илаж» компаниясининг Ўзбекистон бозорига кириб келганига олти йил ўтган бўлса, шу вақт ичида ўз имкониятларини анча кенгайтиришга улгурди. Компаниянинг тўлиқ хорижий сармоялар асосида ташкил топган «Нобел-фармсаноат» ишлаб чиқариш корхонасида дастлаб эҳтиёж юқори бўлган аллергияга қарши, холестерин моддасини камайтирувчи, замбуруғ, диабетга қарши 5-6 номдаги дори-дармонлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, бугунги кунга келиб эса турли касалликларга қарши дориларнинг қирқдан зиёд тури сотувга чиқарилмоқда .

— Айтиб ўтиш керакки, «Нобел Илаж» компаниясининг шўъбалари жуда кўп мамлакатларда фаолият юритади, — дейди «Нобел-фармсаноат» корхонаси менежери Исажон Султонов. — Улардан фарқли ўлароқ, бизнинг корхонамиз давлат томонидан хорижий сармоядорларга кўрсатилаётган катта эътибор боис тез суръатларда ривожланиб бораётгани билан ажралиб туради. Асосий хомашё четдан келтирилиб, тайёр маҳсулотга етказиш жараёни энг сўнгги технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Сотувга эса фақат махсус лабораториялар текширувидан ўтказилиб чиқарилади. Бу дегани маҳсулотларимиз сифати кафолатланган. Ҳозирда корхонада 110 нафардан зиёд соҳа мутахассислари хизмат қилса, уларнинг барчаси малакасини янада ошириш мақсадида компания томонидан мунтазам ташкил этиладиган амалий семинарларда қатнашиб келади. Яқин кунларда маҳсулотлар турини кўпайтириш режалаштирилмоқда, бу дегани ишчи ўринлари кенгаяди.

Компания томонидан республикамиз бозорини ўрганиш ишлари доимий равишда олиб борилади ва шунга қараб айни пайтда, юқорида қайд этилганидек, ўндан зиёд янги турдаги дори-дармон воситаларини чиқариш бўйича кенг доирадаги мутахассислар иштирокида музокаралар ўтказилмоқда. Маълум бўлишича, келгуси йил бошидан «Нобел фармсаноат» белгиси остидаги маҳсулотларнинг Ўзбекистон билан чегарадош давлатларга экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

Шаҳло ҲОШИМОВА

СУРАТДА: «Нобел фармсаноат» корхонасида ишлаб чиқариш жараёни

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕНГЛИГИ ВА УНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕНГЛИГИ ПРИНЦИПИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕНГЛИГИ ПРИНЦИПИ ХАЛҚИМИЗНИНГ МЕНТАЛИТЕТИГА, УНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК РУҲИГА, ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ҲАМ ЖУДА МОС КЕЛАДИ. «ОЛЛОҲНИНГ ОЛДИДА БАРЧА БАНДАЛАР ТЕНГ» ДЕГАН АҚИДАНИНГ ТАГИДА ҲАМ ҲАММА ИНСОНЛАРНИНГ АЗАЛИЙ ТЕНГЛИГИ ТАМОЙИЛИ ЁТИБДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВ «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ, ЎЗЛАРИНИНГ НАСЛ-НАСАБИ, ИРҚИ, МИЛЛАТИДАН ВА БОШҚА ҲОЛАТЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ТЕНГ ҲУҚУҚҚА ЭГАДИР. КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ ДЕБ ҲИСОБЛАНГАН БАРЧА МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАРНИНГ ТИЛЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИ ҲУРМАТ ҚИЛИНИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Шу боис, Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт» деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида инсониятнинг, ўзбек халқининг асрлар давомида интилиб келган азалий қадрияти — яъни фуқароларнинг тенглиги мустаҳкамланган.

«Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадир. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди».

Умуман инсонларнинг тенглиги масаласи ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, бу йўлда жаҳон халқларининг қанчадан-қанча адолатпарвар, ҳақгўй фарзандлари ўз жонларини қурбон қилишган.

Ҳозирги замон кишиси бугунда инсонларнинг қонун ва суд олдида тенглигига анчайин ўрганиб қолганки, ҳатто тенг ҳуқуқликка эришиш инсоният цивилизациясининг буюк ютуғи эканлиги ҳақида кўпам ўйлайвермайди, айни пайтда бу ҳолатнинг одатий тус олганлигининг ўзи ижобий ҳодисадир.

Бироқ инсонлар бирдек Оллоҳ олдида тенг бўлсаларда, реал кундалик ҳаётда эса ўзларини турлича намоён этадилар, яъни дунёда қанча инсон бўлса, улар шунчалик хилма-хилдир: биров жуда соғлом, бошқаси касалмандроқ, яна биттаси жуда ишбилармон, тадбиркор, бошқаси эса ишнинг «кўзини билмайди» ва ҳоказо. Шундай қилиб, одамлар бир хил имкониятларга эга эмаслар, эга бўлишларининг ҳам иложи йўқ, шу боис улар ҳаётда бир хил, том маънода тенг бўла олмайдилар.

Бироқ ҳозирги замон давлати фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигини узил-кесил тан олади ва буни таъминлашни ўзининг муҳим мажбурияти деб билади. Шахснинг қонун ва суд олдида формал тенглигининг таъминланиши тамойилининг қарор топиши — инсоният тарихида Янги даврни, яъни бурилиш бошлаб берганлиги бежиз эмас.

Инсонларнинг қонун олдида тенглиги тамойили — уларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби эканлигини англатади. Фуқароларнинг тенглиги — демократиянинг муҳим элементи ҳамда жаҳон конституциявий тараққиётининг муҳим тамойилларидан ҳисобланади, бу тенглик фуқароларнинг давлат, қонун ва суд олдида расмий тан олинадиган тенглиги бўлиб, у ҳар бир давлат фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, келиб чиқиши, мулкий аҳволи, эгаллаб турган лавозими, турар жойи, динга муносабати, қарашлари, жамоат бирлашмаларига мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларга эга эканлигини англатади.

Ҳуқуқий тенглик — бу албатта формал тенгликдир, яъни расмий жиҳатдан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишликдир. Таъкидлаш жоизки, тенг ҳуқуқлилик, нафақат тенг ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби бўлишни англатибгина қолмай, балки тенг мажбуриятларни ҳам зиммага олишни тақозо этади.

Инсонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўз ичига қатор элементларни олади:

— тенг ҳуқуқлилик нуқтаи-назаридан инсоннинг ҳуқуқий мақоми ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми масаласини;

— инсонлар реал ҳаётда фарқланишидан қатъи назар тенг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши;

— инсонларнинг қонун ва суд олдида тенглиги ва б.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунда ва халқаро шартномаларда кўрсатилган ҳоллардан (истисналардан) ташқари барча чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан бир қаторда ҳуқуқ ва эркинликлар беради ва уларни кафолатлайди.

Шунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида ҳам қайд этилган 18-моддаси 1-бандида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» деган қоида мустаҳкамланган. Ушбу қоида таҳлили қуйидагиларни кўрсатади:

— аввало, амалдаги реал ҳаётдаги фарқларга қарамасдан Ўзбекистон Республикалари фуқаролари Конституция билан Ўзбекистон фуқаролари учун кафолатланган тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар;

— Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) Ўзбекистонда ҳар кимга кафолатланадиган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистонда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси бўлиб, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Кодексининг 141-моддаси «Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш» га мувофиқ, «Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш» жиноий ҳаракат ҳисобланиб, бундай ҳаракатларни содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан махрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ушбу модданинг иккинчи бандида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш эўрлик ишлатиб содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

Юқоридагидан кўриниб турибдики, Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган фуқароларнинг тенглиги тамойилини бузганлик учун жуда жиддий жавобгарлик чоралари, жумладан жиноий жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилган. Бундай ҳолат фуқароларнинг тенглиги тамойилини амалга оширишнинг самарали қонуний кафолати ҳисобланади.

Мавлюда АҲМЕДШАЕВА,
юридик фанлари доктори, профессор

Фармон ва ижро

АСОСИЙ МАҚСАД —ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ҲУКУМАТ МАЖЛИСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИГА УРҒУ БЕРИБ, ХУСУСАН, КЕЙИНГИ ПАЙТДА ДАВЛАТ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШУВНИ КЕСКИН ҚИСҚАРТИРИШ, ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ МУАЙЯН КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА САЛМОҚЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТГАНДИ.

Дарҳақиқат, кейинги йиллар давомида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида тадбиркорларга кенг йўл очиб беришга йўналтирилган қонунчилик-ҳуқуқий механизм шакллантирилди. Ва бу борада давлатимиз Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланиши учун том маънода мислсиз имкониятлар очиб берди. Фармонга мувофиқ, аввалги ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, деярли аксарият назорат органларининг текширувчи тузилма сифатида фаоллиги деярли чекланди, десак адашмаймиз. Ўз навбатида, Фармон мувофиқлаштирувчи идораларнинг текширувлар рўйхатини тасдиқлаш, шунингдек уларнинг самарадорлигини ошириш борасида масъулиятини кучайтиришни тақозо этади.

Мазкур ҳужжат эълон қилинганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Фармон талабларини таъминлашда қандай ишлар амалга оширилди? Бу борада муаммолар мавжудми? Янги меъёрларга мувофиқ мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка қадар чоралар қўрилишини назарда тутган ҳолда назорат органлари томонидан қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаслигига эришилдими? Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари Зафар ҲОШИМЖОНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мақбул шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратишга йўналтирилган фаол сиёсат амалга оширилаётир. Бу борада республикамиз раҳбарининг кейинги икки йил ичида бир қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, солиқ юкини қисқартириш, текширувлар тизимини такомиллаштириш, умуман олганда, бизнес тузилмалари манфаатига қаратилган яна бир қатор имтиёзларнинг жорий этилиши борасида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг фаоллашишига асос бўлди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги жараённинг мантиқий давоми сифатида эътироф этилган давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш борасида кескин бурилиш ясади десак муболаға бўлмайди.

— Сиз текширувлар тизимини кескин қисқартириш дея мазкур ҳужжатнинг асосий моҳиятини кўрсатиб ўтдингиз. Ушбу йўналишда қандай аниқ ўзгаришлар юзага келгани ҳақида қисқача тушунтириш бериб ўтсангиз.

— Дастлаб Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан айни пайтга қадар татбиқ этиб келинаётган ҳаракат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда янгидан шакллантирилган комиссиянинг мақсадлари ва асосий вазифалари мужассамдир. Дастур бўйича чорак ва йиллик иш режалари ҳам тасдиқланган. Ўз навбатида, тегишли меъёр ва қоидаларга мувофиқ Республика Кенгашига таклифлар, шу жумладан текширувларни қисқартириш юзасидан ҳам таклифлар киритилиши мумкинлиги инобатга олинган.

— Дарвоқе, текширувлар масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, Фармон йўналишининг ўзи текширувларни янада қисқартиришга қаратилган, яъни ушбу йўналишда аввал ҳам маълум ишлар амалга оширилиб келинган. Комиссиянинг бу борадаги фаолиятини аниқ рақамлар мисолида шарҳлаб берсангиз.

— Бунинг учун кейинги вақт ичида хўжалик субъектларида олиб борилган текширувлар динамикасини кузатадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам текширувлар кескин қисқариб бораётганини кўриш мумкин. Жумладан, 2003 йилда — 12.816 та, 2004 йилда — 7.136 та, 2005 йилда — 4.835 та текширув ўтказилган бўлса, бу йилга 3422 та режалаштирилганди. Кўриб турганимиздек, ўтган деярли тўрт йил давомида текширувлар тўрт маротаба камайган. Фармон қабул қилингандан сўнг эса ўтган йилнинг тўртинчи чорагининг ўзида текширувлар сонини 570 тага қисқартиришга эришилди. Жорий йилда эса 1400 дан зиёдга камайган. Асосан бу Фармонга мувофиқ ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта текширувга тортилиши белгиланган микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда ҳар уч йилда кўпи билан бир марта текширув режалаштирилиши даркор бўлган бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳисобига эришилган натижадир.

Бугунги кунда пойтахтда 34.101 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлса, шундан 26.964 таси микрофирма, 4.893 таси — кичик корхона ҳисобланади. Янги талабларга биноан илк ташкил қилинган микрофирма ва кичик корхоналар молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш тақиқланади, яъни бу йили янги тузилган 4.718 та микрофирма ва 376 та кичик корхонада икки йил давомида текширув ўтказилмайди. Агарда тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини ихтиёрий равишда бажарса, шунингдек, етказилган зиённи белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда қопласа, уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

— Назорат органлари ҳамда бевосита комиссия томонидан мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ва моҳиятини жойларда тарғиб этиб, тушунтириш бўйича нималар қилинди? Сизнингча, бу йўналишдаги ишлар нечоғлик самара бермоқда?

— Шаҳар ва туман комиссиялари томонидан Фармон ижросини таъминлаш борасида доимий равишда бизнес вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар уюштирилиб келинмоқда. Жумладан, шу кунгача 140 га яқин мақсадли семинарлар ташкил этилган бўлса, уларда назорат органлари раҳбарлари билан бир қаторда 20 мингга яқин тадбиркорлар иштирок этди.

Бундан ташқари, Давлат солиқ қўмитаси ҳайъати қарорига мувофиқ барча солиқ идораларида тадбиркорларни қизиқтираётган масалалар ва юзага келаётган муаммолари бўйича аниқ қабул қилиш кунлари белгиланди. Ва айтиб ўтиш жоизки, ўтган бир йил ичида мингга яқин мурожаатлар кўриб чиқилган.

Самарадорликка келсак, буни пойтахтимизда ҳам, республикамиз миқёсида ҳам тадбиркорлик ҳаракати сезиларли даражада фаоллашганидан англаш қийин эмас. Шу ўринда жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари ҳам ёрқин далил бўла олади. Шаҳримиз бўйича барча макроиқтисодий кўрсаткичлар ортиғи билан таъминланди. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 30,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 16,1 фоизга, экспорт — 13,4 фоизга кўп бўлди. Бунда бизнес вакилларининг ўрни ҳам салмоқлидир. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида уларнинг улуши 46,3 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар томонидан 889,2 миллиард сўмликка тенг маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди, яъни бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга юқорилиги ва бу борада ҳам ижобий аксини топди. Чунончи, аксарият корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари олдинги йилларга нисбатан анча ўсгани кузатилди. Мисол тариқасида трейдер ва проекторлар топширишни режалаштирмоқда.

Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, бундай кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар фақат виждонли, соғлом бизнес юритаётганлар учун яратилмоқда. Демак, тадбиркорларнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ, яъни улар ўз зиммаларидаги масъулият ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини унутмасликлари керак. Шу ўринда кимки қонунга итоат қилиб ишлашга интилса, ҳар доим омад ва муваффақиятга эришиши мумкинлигини эслатиб ўтсак фойдадан холи бўлмайди. Зеро бу ҳаётий тажрибалар асносидаги оддий ҳақиқатдир.

Агарда корхона ва ташкилотларнинг баланс ҳисоботлари бўйича таҳлил ўтказадиган бўлсак, хўжалик субъектлари томонидан янги меъёр-қоидалар яхши ўзлаштирилганини кўриш мумкин ва бу фақат ҳисобот муддатлари соддалаштирилганлигига боғлиқ эмас. Хусусан, солиқлар, текширувларни қисқартиришга оид ўзгаришлар кўплаб субъектлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятида ўз ижобий аксини топди. Чунончи, аксарият корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари олдинги йилларга нисбатан анча ўсгани кузатилди. Мисол тариқасида трейдер ва сартарошхона жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Андоза» МЧЖ (Мирзо Улуғбек тумани) ёки ички бозорга тикув маҳсулотлари билан кириб келган «Элема» масъулияти чекланган жамиятини келтириш мумкин. Бу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари ўрта ҳисобда 40-50 фоизга ошган.

Фаолиятимиздаги яна бир ўзгаришга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳудудий комиссия таркибида (шу жумладан туман комиссияларида ҳам) жамоатчилик кенгаши тузилган бўлиб, унинг асосий вазифаси комиссиялар ҳамда назорат органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар устидан мониторинг ўтказиш, тадбиркорлардан тушаётган шикоят ва бошқа аризаларни ўрганиш, назорат органлари вакилларининг малакасини оширишда таъсирчан чора-тадбирларни қўллашдан иборатдир Таъкидлаш лозимки, мазкур кенгаш ташаббуси билан «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси билан ҳамкорликда бозор ҳудудлари ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган махсус «ишонч қутилари» ҳам таъсирчан восита сифатида тан олинди. Кейинги вақт ичида эса кенгаш мутахассислари томонидан 260 га яқин тадбиркорга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, юздан зиёд ёзма жавоблар берилиб, шундан кўпроқ оғзаки аризалар ижобий кўриб чиқилди.

Дарвоқе, шаҳар ҳудудий комиссияси қошидаги 55-67-42 ва 55-19-73 рақамли «Ишонч телефонлари»нинг фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар, бевосита корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бу телефонлар орқали турли масалалар бўйича мурожаат этишади ва ҳар бир маълум қилинган вазият юзасидан тезкорлик билан жойига чиқиб ўрганиш ўтказилади.

— Албатта, комиссиянинг бу саъй-ҳаракатлари бевосита Фармоннинг назорат органларининг текширувлар самарадорлигига эришиш борасидаги масъулиятини кучайтиришга оид талабларига мувофиқдир...

— Бу фикрни тасдиқлаш учун рақамларга эътибор қаратсак фойдадан холи бўлмайди. Тўққиз ой якунлари бўйича назорат органлари томонидан 4.672 текшириш ўтказилган. Ўрта ҳисобда ўтган йилга нисбатан уларнинг самараси олти фоизга ошган, яъни текширувларнинг 95,7 фоизида тадбиркорлик субъектлари томонидан турли кўринишдаги қоидабузарликлар аниқланган. Худди шундай салбий кўрсаткич солиқ органлари томонидан амалга оширилган текширувлар натижасида ҳам кузатилган.

— Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, жавобгарликка нафақат тадбиркорлар, балки назорат органлари вакиллари ҳам тортилади. Айтингчи, ўтган бир йил ичида назорат идоралари томонидан бирон-бир камчиликларга йўл қўйилдими?

— Авваламбор шуни айтиш керакки, текширув тадбирларида назорат фаолиятини юритиш ҳуқуқига лойиқлигини аниқловчи шаҳодатдан муваффақиятли ўтган ходимларгина иштирок этишга ҳақлидир. Бу борада ҳар бир назорат органининг мансабдор шахси шахсан масъулиятли эканлиги, шу жумладан ваколатли ходими томонидан тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви учун етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қадар, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши хусусида ёзма равишда жавобгарлик олган.

Эслатиб ўтиш ўринлики, тадбиркорлик субъектларида режали текширув жараёни 30 календарь куни, қисқа муддатли эса — бир кундан ошмаган равишда амалга оширилиши лозим. Ҳисобот даврида назорат органлари томонидан бу борада камчиликлар кузатилмади. Ўз навбатида, ушбу тартибга риоя этиш масаласи шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари қошида тузилган ишчи гуруҳларининг доимий назорати остида туради.

Ҳар чоракда комиссиянинг ишчи гуруҳи томонидан назорат органлари ва ҳудудий комиссияларнинг ҳисоботлари тингланади, шунингдек, фаолияти ҳам жойида ўрганилади.

Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект у ёки бу назорат органининг ваколатли вакилидан махсус текширувлар китобининг тўлдирилишини талаб қилишга ҳақли. Комиссия томонидан доимий равишда ушбу китоб тўғри тўлдирилаётгани устидан мониторинг ўтказиб борилади ва таъкидлаш лозимки, кўп ҳолларда назорат органлари тегишли низом ва меъёрлар талабларига риоя этмайди. Хусусан, Юнусобод тумани Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходими Ф.Содиқов томонидан «Алоқа принт» масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган текширув бўйича тегишли маълумотлар китобда қайд этилмаган. Шундай камчиликлар «Ўзстандарт» агентлиги шаҳар бошқармаси ходимлари Ш.Раҳимова ва И.Нуримов томонидан «Уникал аэросервис» кўшма корхонаси ва «Аль-Арофат сервис» хусусий фирмасида ўтказилган текширувлар бўйича ҳам аниқланган.

Бундай хато ва камчиликларга қайта йўл қўймаслик мақсадида шаҳар ҳудудий комиссияси ишчи гуруҳи томонидан Адлия вазирлигига қайд этилган шахсларнинг ўз вазифасига лойиқлигини республика миқёсида кўриб чиқиш юзасидан таклиф киритилган.

Текширувларни қисқартиришга оид Фармон ижроси бўйича Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари томонидан ўтган вақт ичида қонунбузилишларнинг олдини олиш, шу жумладан нафақат хўжалик субъектлари, балки бевосита назорат органлари томонидан ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги юзасидан эътиборга лойиқ муайян ишлар қилинди.

Фармонда назорат органлари раҳбарларининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда риоя этишда масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текширувлар ўтказилган ҳолларда уларга нисбатан жиноий жавобгарликка қадар жазо чораларини кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган бир йил ичида назорат органларининг 17 та мансабдор шахси турли даражадаги жавобгарликка тортилди.

Айни пайтда назорат органлари бизнес субъектлари орасида республика раҳбариятининг Фармон ва қарорлари асосида қабул қилинган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тарғиб этиш борасидаги ишларни давом эттирмоқда. Шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан бу борада махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳар бир назорат органига юклатилган вазифалар ҳам белгилаб қўйилган.

Қайд этилган барча саъй-ҳаракатлардан мақсад ягона —у ҳам бўлса фақат тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланмасдан, балки авваламбор уларни хато ва камчиликлардан ҳам халос этишдир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
суҳбатлашди.

Таълим

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР ТОПШИРИЛДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СЕУЛ ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ БИЛАН 1995 ЙИЛДАН БУЁН ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.

— Куни кеча мазкур ҳамкорлик шартномасига асосан Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Корея таълим маркази томонидан пойтахт умумтаълим мактаблари учун 100 дона компьютерларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу компьютерлар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан шаҳримиздаги 123, 31, 64, 28, 282, 202, 42, 250, 73-мактабларга топширилади. Тақдимот маросимида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Даврон Миртожиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқаларни бундан буён ҳам янада мустаҳкамланишини таъкидлаб, уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

—Ҳамкорлик шартномаси асосида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Корея таълим маркази ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида корейс тили бўйича кўриктанлов ўтказиб келмоқда ва бунинг натижасида 1998 йилдан ҳозирги кунгача шаҳримиз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларидан 25 нафари Корея таълим муассасаларида уч йиллик муддатга таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собиров. — Улардан 11 нафари ҳозирги кунда Корея Республикасида таълим олишмоқда. Ўқувчиларнинг Кореяда таълим олишлари, яшашлари Сеул таълим департаменти маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2 нафар тошкентлик ўқувчи Кореядаги коллежларни муваффақиятли битирганидан сўнг, келишувга асосан Корея олий ўқув юртларида Сеул таълим департаменти ҳисобидан таълим олдилар. Сеул таълим департаменти томонидан 2000-2001 йилларда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига беғараз ёрдам сифатида PENTIUM-III русумидаги 25 та компьютер, 2 та принтер-факс аппарати тақдим этилган эди.

Келишувларга мувофиқ 2005 йилда 30 нафар информатика ўқитувчилари Сеул шаҳрига тажриба алмашиш учун бориб келган бўлсалар, бу йил сентябрь ойида яна 17 нафар ўқитувчилар Кореяга малака ошириш учун бордилар. Шу жумладан 2005 йилда шаҳримиз мактабларига Сеул департаменти томонидан 100 дона замонавий компьютерлар тақдим этилган эди. Сеул таълим департаменти янги йилда яна 300 та компьютер ва проекторлар топширишни режалаштирмоқда.

Сеул таълим департаменти томонидан юборилаётган ўқув- режа, дастур ва ўқувуслубий қўлланмалар, илғор иш тажрибалари ўқитувчиларнинг иш фаолиятида фойдаланиш мақсадида шаҳар халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти курслари ҳамда турли семинарлар орқали ўқитувчиларга етказилмоқда.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: Сеул таълим департаменти томонидан шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига компьютерларни топшириш маросимидан лавҳа.

Наталья Семёнова олган сурат.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» МЕҲМОНХОНАСИ ЎЗИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА. ЧИНДАН ҲАМ ТОШКЕНТДАГИ БУ ҲАШАМАТЛИ БИНО ҚУРИБ БИТКАЗИЛГАНИГА ЎТТИЗ ЙИЛ БЎЛДИ.

Иқтисодиёт

«ЎЗБЕКИСТОН» ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧДИ

Уч юлдузли замонавий меҳмонхона янглиғ фаолият кўрсатаётган мазкур даргоҳда асосан чет эллик саёҳатчилар ҳордиқ чиқаришади. Бу ердаги қулайликлардан меҳмонлар мамнун бўлишмоқда.

«Ўзбекистон»нинг шу санаси муносабати билан қўшимча бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Янги конференцзал бунёд этилди. Тунгги клуб очилди.

Амалга оширилган бундай қурилишларни олиб боришга «Элсун Инвест» қўшма корхонаси ўз ҳиссасини қўшди.

Шу санага бағишланган босма нашрни чоп этиш ҳам кўзда тутилди.

Акбар АЛИЕВ

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

ҲИНДИСТОНГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИ АФҒОНЛАРДАН ТОЗАЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Шу орада менга арз қилдиларки, бир тўда афғонлар Ҳиндистонга олиб борадиган йўлга босқин қилиб, у ерда қароқчилик қилаётган эканлар. Хусусан, булардан Каркас[1] қабиласининг бошчи(кадхудо)си Мусо афғон ҳаддидан ошаётган экан. Менинг вафодор хизматкор ва тобеъларимдан бири бўлган Лашкаршоҳ афғонни Пирмуҳаммад Жаҳонгир Ироб қалъасини қўриқлашга қўйган эди. Мусо афғон мазкур қалъага от солиб, шиддат билан босиб олибди, Лашкаршоҳ афғонни ўлдириб, қалъадагиларнинг бор-йўғини талаб кетибди.

Шу пайтда [ҳузуримга] Лашкаршоҳнинг иниси Малик Муҳаммад дод-фарёд кўтариб келди. У оғасини ўлдирган Мусо афғоннинг жабру зулмидан шикоят қилди. Мен бўлсам [унинг сўзига қулоқ солмаган бўлиб], «Ҳой инсон, Мусо афғон менга хайрхоҳлардан биридир», дедим ва уни қамаб қўйишларини буюрдим. Амирларим мени ноҳақ зулм ўтказди, деб айбладилар.

Бироқ бунинг аксича, Мусо афғон бўлса, Малик Муҳаммаднинг ҳибсга олинганлиги ҳақидаги хабарни ва менинг айтган гапларимни эшитиб, кўнгли таскин топди. Шундан кейин, уни ҳузуримга келишини талаб қилиб ёзган ёрлиғимни олгач, ҳадиксирамасдан дарҳол етиб келиб, қалъани менга пешкаш қилди.

Мен у қалъани тамоша қилиш учун ичкарисига кирганимда, унинг (Мусо афғоннинг) сипоҳийларидан бири мени ўлдириш қасдида ўқ-ёй отди. Кейин Мусо афғон ўзига яраша жазосини топди. Ҳиндистон йўли очилди.

ДЕҲЛИ ҲОКИМИ СУЛТОН МАҲМУД ВА МАЛЛУХОНЛАРНИ ЕНГИШ БОБИДАГИ КЕНГАШИМ

Султон Маҳмуд[1] ва Маллухон[2] эллик минг отлиқ ва пиёда аскар, 120 занжирбанд филлар билан Деҳли қалъасини мустаҳкамладилар ва мен билан жанг қилишга шайландилар. Кўнглим ғаш бўлди. Бордию Деҳли қалъасини босиб олишга борсам-у, мабодо бу иш узоқ муддатга чўзилиб кетса, [унда нима қиламан?] Кенгашни шундан топдимки, ғаним лашкари дадилланиб, [қалъадан] чиқиб, саф тортиб жанг майдонига кириши учун, ўзимни кучсиз ва [кўрққандек] қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Шу сабабдан лашкардан узоқроққа хандақ қазидирдим. Лашкарим билан хандақ ичига яхшилаб жойлашганимдан кейин, лашкарларимнинг бир фавжини душманга қарши жангга ташладим. Душман қаршисига боргач, ўзларини кучсиз кўрсатиб, қўрққандай бўлиб чекинишларини ва ғанимларни дадиллантириб келишни буюрдим. Душман лашкари бу ҳолни кўриб ўзларини ғолиб ҳисоблаб, гердайиб жанг майдонига чиққан эдиларки, [менинг] қаҳрли лашкарим фавжлари билан юзма-юз келдилар. Деҳли ҳокими султон Маҳмуд жангга кириширди ва енгилиб тоғ тарафга қочди. Беқиёс хазина ва мол-мулки сипоҳийларимга насиб бўлди.

Бир йил ичида Ҳиндистон пойтахти Деҳлини забт этдим[3] ва мазкур йилнинг охирларида салтанатим пойтахти (Самарқанд)га қайтдим[4].

ГУРЖИСТОН МАМЛАКАТИНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Ҳиндистондан зафар қозониб қайтганимдан кейин, ҳали сафар чарчоғи чиқмай туриб, икки Ироқ ҳокимларидан менга арзнома келди. Ёзишларича, Гуржистон кофирлари ҳаддиларидан ошиб, чегарани бузган эмишлар.

Мен ҳамиша подшоҳлар учун кофирларга қарши ғазовот қилишдан, мамлакатларни забт этишдан ва жаҳонгирликдан яхшироқ иш йўқ, деган фикрда эдим. Гуржистон имонсизларининг туғён кўтаргани ҳақидаги хабар келиши биланоқ кенгаш тўхтазиб, «ўша диёрдаги бошқа бузуқи одамларнинг ҳам бош кўтаришига йўл очилмасин», деб зудлик билан уларни даф қилишга тутиндим. Ҳинд юришидан келган сипоҳийларимга «хоҳловчилар шу ерда қолсин, хоҳловчилар мен билан борсин», деб ихтиёрни ўзларига бердим. Хуросон, Қандаҳор, Сеистон, Кермон, Табаристон, Гилон, Мозандарон ва Форс вилоятларидаги лашкарларимга жанг ҳозирлигини кўриб, Исфаҳон атрофига келиб, менинг зафарли лашкаримга қўшилсинлар, деб ёрлиғлар жўнатдим.

Ҳар бир мамлакатдаги итоатдан бўйин товловчиларни турли ерларга тарқатиб юборишни маслаҳат кўрдим. Чунончи, Хуросон ва Форсдаги бўйинтовловчиларни Туронзаминга кўчирдим ва бу мамлакатларнинг сатҳини уларнинг мухолифлигидан тозаладим.

Сўнг Гуржистон вилояти қалъаларини забт этиш учун ўша мамлакат устига отландим[1]. Сипоҳийларнинг кўнглига нима ўтирса, шуни қилдим. Бошимга пўлат дубулға, эгнимга Довудий совут[2] кийдим, белимга Миср қиличини боғлаб, баҳодирлигу кураш тахтига ўтирдим. Туронлик довюракларга, Хуросон паҳлавонларига, Гилон ва Мозандарон ботирларига кўркинч солдим ва Сивос[3] ҳамда Гуржистон қалъаларини фатҳ қилдим. Қалъадан туриб [қаршилик кўрсатганларнинг] барчасини тагтомири билан юлиб, қалъадан олган ўлжаларни ғолиб аскарларимга улашдим. Озарбойжонлик бузуқи, бевош кишиларни жазоладим.

Шундан кейин Малатия[4] қалъаси ва унинг теварагидаги ерларни забт этишга киришдим. Ўша қалъаларни забт этишдан хотиржам бўлганимдан сўнг Ҳалаб[5] ва Ҳамисони[6] забт қилишга ҳиммат камарини боғладим ва бир оз ҳаракат билан бу мамлакатларни ҳам фатҳ этдим. Сўнг Миср ва Шом мамлакатларини забт этишга камар боғладим[7].

(Давоми бор).

---

1 ***Каркас*** *— хато ёзилган бўлиши мумкин.* ***Какар*** *бўлса керак — ҳозирги Покистоннинг шимоли-ғарбидаги қабиланинг номланиши*

---

1 ***Султон Маҳмуд*** *(Султон Носириддин Маҳмудшоҳ II) - шимолий Ҳиндистонни идора қилган Туғлуқийлар сулоласи(1320-1413)дан чиққан подшоҳ. У мамлакатни 1393-1399 йиллари бошқарган.*

2 ***Маллухон*** *– Султон Маҳмудшоҳ ҳукмронлиги даврида вазир ва амир ул-умаро бўлиб, ҳукуматни деярли ўзи бошқарган.*

3 1398 йил 18 декабрида забт этди.

4 1399 йил 27 апрелда.

---

1 Амир Темур Гуржистонга ҳаммаси бўлиб олти марта (1386-87, 1392, 1394, 1399, 1402 ва 1403 й.) юриш уюштирган. Ниҳоят, сўнгги юришида 1403 йилнинг декабрь ойида Гуржистон подшоси Гургенхон, яъни Георгий VII (1393-1407) Амир Темурга таслим бўлиб, сулҳ тузган.

2 ***...довудий совут*** *– Ривоятларга кўра, Сулаймон пайғамбарнинг ўғли Довуд пайғамбар томонидан ясалган совут.*

3 ***Сивос*** *– Кичик Осиёнинг йирик қалъа-шаҳарларидан; ўрта асрларда Себастия деб номланган. Қалъаси ўта мустаҳкам бўлган. «Султония–Табриз-қўниё» карвон йўли устида, қизил ирмоқ дарёси ҳавзасида жойлашган ўрта аср шаҳари. ҳозирги вақтда Туркиядаги шу номдаги вилоят маркази.*

4 ***Малатия (Малотия)*** *– Рум мамлакатининг машҳур шаҳарларидан. Ҳозир ҳам Туркиянинг шу номдаги вилоят маркази.*

5 ***алаб*** *–Шом(Сурия)нинг шимолида жойлашган қадимий шаҳар (милод.ав. 20-асрдан маълум), Алеппо номи билан машҳур.*

6 ***амисо (хумис)*** *— қадимги Эмесса, Оси (Орионт) дарёси бўйида жойлашган ва Шомга қарашли қадимий шаҳар.*

7 Миср ва Шом забтига Темур етти йиллик (1399-1404) юриш вақтида, аниқроғи 1399-1401 йиллари киришган.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўзганин доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бу кишиларнинг аксарияти олим бўлиш билан бирга шоир ҳам эдилар. «Таълим ул-мутаъаллим» китоби ҳар бир ўқувчида илмга нисбатан кучли ҳурмат, устозга нисбатан муҳаббат, илм ўқишга нисбатан катта қизиқиш пайдо қилади., Аз-Зарнужий устозни ва илмни улуғлаш ва ҳурмат қилишга тарғиб этади ва бунга қаттиқ амал қилишни вазифа қилиб қўяди. Чунончи, у ёзади: «Толиби илм илмни, илм аҳлини ва устозни улуғламай туриб, илмга ва унинг фойдаларига эришолмайди. Олимлар айтадиларки, илм ва устозни ҳурматламоқ ибодатдан афзалдир». Унинг ёзишича, одам гуноҳ қилиш билан кофир бўлмайди, бироқ устознинг ҳурматини тарк қилиш билан кофирга айланади. Аз-Зарнужий Ҳазрати Алининг қуйидаги сўзларини келтиради: «Мен битта ҳарф ўргатган одамнинг қулиман, хоҳласа сотсин, хоҳласа озод қилсин, хоҳласа қул қилиб олдида олиб турсин».

Бу асарни ўқиган ҳар бир толиби илм нафақат ўтмишда, балки бизнинг кунимизда ҳам кўп фойдалар топиши ва илм йўлида ҳақиқатни англаши турган гапдир. Биз асарнинг мазмуни ҳақида кўп гапирмадик, негаки, унинг шеърга айлантирилган қисмларини рисоламизнинг охирида диққатингизга ҳавола қиламиз.

«ТАЪЛИМ УЛ-МУТАЪАЛЛИМ»НИНГ ШАРҲЛАРИ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Ҳар бир фойдали асарга қизиқиш катта бўлгани каби, «Таълим ул-мутаъаллим»га ҳам асрлар давомида қизиқиш кучли бўлган ва мадрасаларда толиби илмларга дарслик сифатида ўқитилган. Илм аҳллари ҳам уни ўқиганлар ва ажойиб ҳикматларидан завқ олганлар. У қўлёзма ҳолида кенг тарқалган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида унинг турли даврларда кўчирилган 32 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда. У Қозон шаҳрида тўрт марта, Мисрда бир марта, Туркияда беш марта нашр қилинган.

«Таълим ул-мутаъаллим»га туркиялик Усмон Позорий шарҳ ёзади ва унинг матнини ўқувчи учун тушунарли қилиб беради. Шарҳ араб тилида ёзилган бўлиб, Қозонда нашр қилинган. Ибн Исмоил ҳам араб тилида унга шарҳ ёзган, бу шарҳ Мисрда чоп этилган. Буларнинг ҳаммаси мазкур асарга қизиқишнинг кучлилигини билдиради. Демак, у нафақат Ўрта Осиёда, балки бошқа ислом мамлакатларида ҳам ўқитилган.

«Таълим ул-мутаъаллим» Абдул Аҳад Шайх ул-ислом ибн Асадуллоҳ Ҳамидулли томонидан татар тилига сўзмасўз таржима қилинган. Бу таржима 1902 ва 1903 йиллари Қозонда чоп қилинган.

1830 йилда мазкур асар Ғиёсуддин ибн Мир Зиёуддин исмли олим ва шоир томонидан форс тилига шеърий таржима қилинди. Бу шеърий таржима «Одоб ул-мубин» номи билан 1907 йилда Тошкентда тошбосма усулида чоп этилди. Бу таржимани албатта асарнинг тўлиқ ва мукаммал таржимаси деб бўлмайди. Негаки таржимон асарнинг муқаддима қисмларини ҳар хил асарлардан йиғиб олган. Илмдаги ният фаслидан эса «Таълим ул-мутаъаллим» бошланади. Бироқ бунда ҳам таржимон илм ҳақидаги фикрларни шеърда ифодалаб, олимлар ва шоирлар номини зикр қилмайди. Керакли ўринларда Саъдий ва Жомий байтларини илова қилади. «Одоб ул-мубин»нинг фасллари «Таълим ул-мутаъаллим»га солиштириб кўрилса, улардаги фасл номлари ва мазмни бир хил эканини кўриш мумкин.

Мутаржим Ғиёсуддин асарнинг ёзилиш сабабини тушунтирар экан, илм ва унинг шартлари ҳақидаги асарлар араб тилида эканини, бошқаларга уни тушуниш қийин бўлганини айтади ва дейди:

Кардам онро ба форсий таъбир,
Ёд гиранд то сағийру кабийр.
(Каттаю кичик уни ёд олсин деб,
Уни форсийга ўгирдим).
Нима учун уни шеърга айлантиргани ҳақида эса:
Назм кардам, ки то шавад осон,
Ҳифзи у бар жамиъи одамиён.
(Ёдлаш барча одамга осон бўлсин учун,
Уни шеърга айлантирдим).

деб ёзади у.

Дастлаб у бу китобни «Назми одоб» деб атайди.
«Назми одоб» сохтам номаш,
Соз, ё Раб, ба хайр анжомаш.
(Унинг номини «Назми одоб» деб қўйдим,
Ё Раб, унинг тугашини хайрли қил).

«Назми одоб» дейилишига сабаб, бизнингча, «Таълим ул-мутаъаллим»нинг бошқача «Одоби мутаъаллим» деб ҳам аталиши сабаб бўлса керак. Бироқ таржима тугагач, таржимон уни «Одоб ул-мубин» деб аташга қарор қилади. Мазкур асарни баъзи ўринларда қисқартилган ҳолда ўзбекчага камина томонидан қилинган таржимасини рисола охирига илова қилиб бермоқдамиз.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Бурҳонуддин ал-Марғиноний ва унинг шогирди Бурҳонуддин аз-Зарнужий маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган зотлардир. Бу икки улуғ зот ҳам юртмизда илму фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ёшларни илм билан тарбиялаш учун жон куйдирдилар ва илмни ўз асарлари ва шеърлари билан тарғиб қилдилар. Илмсизликка қарши ўт очиб, ижтимоий ҳаётда юз берадиган нуқсон ва камчиликлар, офату балолар илмсиз ва нодонлик туфайли юз беришини кўрсатиб ўтдилар. Уларнинг ўлмас фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Улар халқ учун, халқнинг илм-маърифати учун яшадилар. Халқ учун яшаган киши эса ҳеч қачон ўлмайди ва асрлар оша халқ билан бирга қадамма-қадам бораверади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган.

«Нерудник» ОАЖ жамоаси корхона бошқаруви раиси Рауфхон Асланович Шариповга отаси **Асланхон ота ШАРИПОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фестивалар

ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ

МИЛЛИЙ ЛИБОС ҚАДИМДАН ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ МАДАНИЯТИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН ЎЗИГА ХОС РАМЗИ ВА ҲАЁТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ БЎЛИБ КЕЛГАН. У ЎЗИДА МИЛЛАТНИНГ КЎП АСРЛИК ТАРИХИ, ФАЛСАФАСИ ВА МЕНТАЛИТЕТИНИ АКС ЭТТИРИШДАН ТАШҚАРИ, ШУ МАМЛАКАТНИНГ ТАБИАТИ ВА ИҚЛИМИ, ИЖТИМОИЙ ТАРТИБЛАР ВА МУНОСАБАТЛАР БИЛАН ҲАМ УЙҒУНЛАШИБ КЕТГАН.

Бу борада ўзбек либослари ноёб ва бой тарихга эга, шакллар, ранглар, матолар, аксессуарлар ҳамда деталларнинг турли-туманлиги эса ҳозирги аксарият дизайнерлар учун илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистондаги ҳар бир вилоятнинг миллий либоси ўзига хос ёрқин жиҳатга эга. Ушбу жиҳатларни айнан ўша ерда яшаб, ижод қилаётган дизайнерларгина муносиб намойиш этишлари мумкин. Шу боис шаҳримиздаги Миллий либослар галереясида бўлиб ўтган миллий либос фестивалини анъаналар ҳамда дизайн ва мода соҳасидаги замонавий изланишлар хилма-хиллигини акс эттирувчи ноёб воқеа деса арзийди. Миллий либос фестивали республика миқёсида учинчи бор ўтказилиб, мамлакатнинг турли бурчакларидан иқтидорли дизайнерларни йиғувчи анъанавий тадбирга айланмоқда. Шунингдек, фестиваль республиканинг турли вилоятларида либослар яратиш борасидаги анъаналар, шакллар, матолар ва ижодий ёндашувларнинг кўп қиррали эканлигини намойиш этувчи ўзига хос тадбир ҳисобланади.

Миллий либос фестивали илк бор ўтган йили сентябрь ойида ташкил этилган эди. Мазкур фестиваль ўзбек дизайнерларининг маҳорати, нозик диди ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурларининг ўзига хослигини намойиш этувчи, уларнинг тарихий анъаналар ва ҳозирги замон талабларини уйғунлаштириш қобилиятларини намоён этувчи тадбирга айланган. Иккинчи фестиваль эса Бухоро шаҳрида ўтказилиб, «Ўзбек либоси: анъана ва замонавийлик» деб номланганди. Навбатдаги тўртинчи фестивални ҳам Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидан бирида ўтказиш режалаштирилмоқда.

Фестиваль мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ижод қилаётган дизайнерлар орасида янги номларни кашф этишга, вилоятлардаги модельерларни рағбатлантириш ва уларга кўмак беришга хизмат қилади. Шу билан бирга иштирокчилар янги дўстлар ва ҳамкорлар билан танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконига ҳам эга бўладилар.

Шаҳримизда бўлиб ўтган бу сафарги фестивалда Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрининг тарихий либослари намойиш этилди. Либослар қуйидаги номинациялар — этнография, миллий матолар, прет-а-порте бўйича ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Мутахассисларнинг қайд этишича, фестиваль Ўзбекистоннинг ноёб ўзига хос хусусияти сифатида миллий либос ва тарихий анъаналарга ўзгача эҳтиром рамзига айланаётир. Ҳозирги кунда аксарият дизайнерлар ўз ижодларида тез-тез миллий матоларга, анъанавий либос элементларига, бичиш усуллари ва технологияларига мурожаат қилишмоқда ва бундай либосларга харидорларда ҳам талаб кўпаймоқда.

Бу галги миллий либос фестивалини узоқ вақт эсда қоладиган чинакам «миллий либос байрами»га айланди, дейиш мумкин. Ўйлаймизки, ушбу фестиваль миллий анъаналардан фойдаланган ҳолда замонавий моделларни яратиш маҳоратини намоён этиш ҳамда фойдали учрашувлар, модельерлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, келгусида бу соҳанинг янги имкониятларини очишда муҳим омил бўлади, албатта.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: миллий либос фестивалидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар

«КАРВОНСАРОЙ – ТОШКЕНТ БЕКАТИ»

ТОШКЕНТ ФОТО УЙИДА ОЧИЛГАН КЎРГАЗМА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ. МАЗКУР КЎРГАЗМА В.ГЮГО НОМИДАГИ ФРАНЦУЗ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ВА ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда жаҳоннинг 15 давлатидаги қирқдан зиёд ижодкорларнинг замонавий санъатнинг турли йўналишларида яратган асарлари намойиш этилмоқда. Экспозициядан плакатлар, видеоарт, концептуал фото, перфоманс (жонланган расм), инсталяция йўналишларида ишланган фотолар ўрин олган. Томошабинлар ҳукмига ўзбекистонлик ўнта фото суратчи янги ижодий шаклларда яратган асарларини ҳавола этишди. Улар орасида Вячеслав Усеинов, Жамол Усмоновларнинг асарлари алоҳида ажралиб турибди.

"Карвонсарой" ташаббускори бўлган парижлик санъатшунос Шалве Хаханашвилининг сўзларига қараганда, бу арт-ҳаракат оддий вернисаж қамровидан анча каттадир. Асрлар оша карвон-саройлар Ғарбдан-Шарққа йўл олган инсонлар, савдогарлар, сайёҳларнинг учрашиб, танишадиган анъанавий жойи бўлган. Ҳозирги кунда карвон саройлар жаҳоннинг турли минтақаларини бир-бири билан боғловчи ҳамкорлик, маданий алоқалар, янгича инсоний муносабатлар жойидир. Шунинг учун ҳам, лойиҳа доирасида ташкил этилган кўргазма Францияннинг пойтахтида бошланиб, Греция, Туркия, Озарбойжон шаҳарларида намойиш этилди. У борган сари янги иштирокчилар, турли миллатга мансуб рассомлар, уларнинг ўзига хос асарлари билан бойиб, катталашиб бормоқда.

"Тошкент бекати" — арт-ҳаракатнинг навбатдаги тўхташ жойида ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари замонавий санъат намуналари билан танишишади. Сўнг "Карвон-сарой" Бухорога, Буюк Ипак йўли орқали Хитой, Япония, Таиландга йўл олади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Бернар Артнинг таъкидлашича, ҳозирги замон мусаввирларининг ижодий ҳамкорлиги санъатнинг турли мамлакат халқларини бирлаштириш анъанаси, имкониятларини янада кенгайтиради. Уларнинг дунёни ўзига хос кўришлари ижоддаги ҳис-туйғуларнинг янада жўшқинлик билан тасвирланиши, инсон қалбининг нозик ҳис-кечинмаларини гўзал ва бетакрор тасвирлашга имкон яратади.

Элчининг эътироф этишича, Тошкент шаҳрида кўплаб маданий тадбирлар ўтказилади. Мазкур кўргазма эса шундай тадбирлар орасида ярқ этган ҳодиса бўлди.

Кўргазма икки ҳафта давом этади.

Туркистон-пресс

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

БОЛАЛАРГА БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

ҚАДИМДАН ШАРҚДА ОЛОВ БАҒРИДА ҚОЛИБ КЕТГАН КИШИЛАРНИ ҚУТҚАРГАНЛАРНИ ФИДОЙИ ИНСОН ДЕБ ҲИСОБЛАШГАН. ЧУНКИ БИЗНИНГ АЖДОДЛАРИМИЗ АЛАНГАНИ ТИРИК МАВЖУДОТ ДЕБ БИЛГАНЛАР. АФСУСКИ, БУГУНГИ XXI АСРДА ҲАМ СОДИР БЎЛАЁТГАН ЁНҒИНЛАР КАТТА МУАММОЛАРДАН БИРИДИР.

Чунки юзага келаётган «тилсиз ёв»га боғлиқ офатлар фақатгина инсонларнинг бепарволиги оқибатидир. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилаётган учрашувларда ёнғиннинг юзага келиши сабаблари ва оқибатлари фотосуратлар орқали кўплаб кўрсатилса-да, улар ҳамон келиб чиқмоқда. Айниқса, болаларимиз тарафидан содир этилаётган фожеалар ва олов қурбонлари бўлиб қолаётган фарзандларимиз бизни ниҳоятда ташвишга солмоқда. Биз катталар тарафидан вақтида олиб ташланмаган чиқинди — ахлатлар, қурилишдан сўнг қолиб кетган вагончалар, гаражлар орасида тўпланиб қолган хазонлар болаларимизнинг диққатини ўзига тортади. Оқибатда эса улар гугурт ўйнаб катта ёнғиннинг келиб чиқишига сабабчи бўлиб қоладилар. Масалан, яқинда Сергели тумани, Сергели-2 мавзесида болалар гаражлар орасида қуриб қолган хашакларни ёқиб юборганлар. Аланга катталашиб кетганда эса, улар қочиб қолганлар. Натижада гараждаги автомашина ёниб кетган. Кўриниб турибдики, ушбу ёнғин болаларнинг шўхлиги туфайли келиб чиққан.

Лекин бепарволик оқибатида жиддий тан жароҳати олганлар, ҳаётдан бевақт кўз юмганлар ҳам, афсуски бор ва қуйида шундай воқеани баён қилмоқчимиз.

Сергели туманида истиқомат қилаётган Наталья Алексеевна хонадонининг ёниб кетишига сабаб — сигарета қолдиғи. Кечки пайтда юмшоқкина диванда сигарета тутатиб ётган Наталья уйқуга кетади. Ойнадан чиқаётган қуюқ тутунни кўрган қўшнилар «01»га телефон қилдилар. Тезлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар бир неча дақиқаларда хонадон бекасини ҳамда уй жиҳозларини офат балосидан сақлаб қолдилар.

Ҳа, «фалокат оёқ остида», деб бежиз айтилмайди. Ҳаётимизда содир этилаётган мудҳиш, кўнгилсиз воқеаларга ўзимиз айбдормиз. Агарда ҳар доим сергак бўлиб, фарзандларимизга «дазмолни ўчирдингми?», «газ ёқиқ қолмадимикан, текшириб кўр» ёки «телевизорни кўп кўриш кўзга катта зарардир» дея ўргатиб борсак, уларнинг қилаётган ҳаракатлари кўплаб муаммоларни келтириб чиқармайди, фожиалар сони ҳам камаяди.

Ғайрат ДАМИНОВ,
5-ХЁХО катта инспектори, капитан

Футбол

ЭСТОНИЯЛИКЛАРНИ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТИШДИ

МАЪЛУМКИ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИДАН 15 ДЕКАБРИГА ҚАДАР ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОХА ШАҲРИДА ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Осиё ўйинларига жиддий тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси куни кеча «Пахтакор» марказий стадионида эстониялик тенгқурлари билан ўртоқлик учрашувида куч синашишди. Муросасиз ва шиддатли курашларга бой кечган баҳс 2:1 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди. Меҳмонлар дарвозасига тўпларни Олег Таран ва Александр Клецков йўллашди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаймизки, 1994 йилда уюштирилган Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари барча рақиблари устидан ишончли ғалабани қўлга киритиб шоҳсупа тўрини эгаллашган эди. Навбатдаги Осиё ўйинларида футболчиларимиз ана шу анъанани такрорлашармикан? Буни вақт кўрсатади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАНГ

23 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Мунажжимларимиз фикрига кўра, бугунги кун бирдек ўтмасмиш. Яъни фаол ташаббуслар учун хайрли бўлса-да, шу куни мулоқотлар ва танишувлар омад келтириши амри-маҳол. Ҳар қандай танишувлар, мулоқотлар, жамоавий ишлар кутилган натижани бермайди. Шунинг учун ҳам, дейишади мунажжимлар, шошқалоқлик билан қарорлар қабул қилманг, ўз хатти-ҳаракатларингизни ўйлаб иш тутинг.

Жаҳлдор, тилга ихтиёрсиз кишилар бугун, яхшиси, сукут сақлаганлари маъқул. Аммо бугун уйда таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш, қўл ишлари билан шуғулланиш, зеб-зийнат ва заргарлик буюмларини ясаш яхшигина фойда келтириши аниқ.

Яна бир мунажжим, ташқи шароитлар бизнинг интилишларимизни рухлантиради, дея кун таъбирини келтиради. Барча муаммолар энг омадли тарзда ҳал бўлиши мумкин. Ишчанлик шижоати ҳар қачонгидан юқори бўлади. Тўсиқлар ва саргузаштларсиз, дўстлар ва алоқаларимиз туфайли муваффақият қозонамиз. Вазият ўз устунликларимиздан сохта камтарликларсиз ва тортинмай фойдаланиб, ҳаётдан ўзимизга тегишли муддаларни олишга даъват этади.

Бугун харид қилган янги кийимларингизни шу бугуноқ кийинг. Тасодифан ўз исмингизни эшитишингиз куннинг яхши аломатларидан ҳисобланади. Орқангиздан кучли шамол урилиб туриши ҳам, кун бўйи сизни мусиқа оҳанглари таъқиб этиши ҳам яхшиликларга ишора. Либосларингизнинг йиртилиши сизни нохушликлардан огоҳлантиради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2006 йил 1 декабрдаги ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди

	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ОКПО	Хўжалик судининг ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши қуйидаги кунда ва соатда кўрилади	
1	BULDING INDUSTRING INTRADE	МЧЖ	205447637	17.02.05	001557-11	19882801	10-0610/14035	Норбаев Д.	01.12.06	11.00
2	GRAND OPTIMA SERVIS	МЧЖ	205772090	28.09.05	15/0-2090	20347197	10-0610/14036	Норбаев Д.	01.12.06	11-00
3	SAMARALI QURILISH	МЧЖ	205742223	08.07.05	001023-03	20297309	10-0610/14037	Норбаев Д.	01.12.06	10-45
4	SILVER-FOX	ХК	205098067	20.08.04	000386-03	19656173	10-0610/14038	Норбаев Д.	01.12.06	10-30
5	FARGOF	ШК	203046401	29.11.99	1868	17488649	10-0610/14039	Норбаев Д.	01.12.06	10-15
6	BEST-KONSTRUKTION	МЧЖ	206071401	06.02.06	001334-03	20537802	10-0610/14040	Норбаев Д.	01.12.06	10-00

Кредиторларнинг йиғилиши 2006 йил 29 ноябрда соат 10-00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.
Банкротлик иши 2006 йил 1 декабрда Тошкент шаҳар Хўжалик судида, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 1-суд мажлиси залида (судья Ш.Худойбердиев томонидан) кўрилади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6